

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ МЕНЕЖМЕНТИ

Ибадуллаев Санжар Содиқмуратович

Сурхондарё ахборот технологиялари техникуми директори

Аннотация: Ушбу мақолада о`збекистонда хизматлар соҳаси менежменти ҳақида муҳокама қилинади ҳамда керакли тавсиялар берилди

Калим сўзлар: менежмент, миллий иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, даромад

Аннотация: В данной статье рассматривается управление сферой услуг в Узбекистане и даются необходимые рекомендации

Ключевые слова: управление, народное хозяйство, услуга, доход.

Abstract: This article discusses the management of the service sector in Uzbekistan and gives the necessary recommendations

Key words: management, national economy, service, income

Иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожланиш жараёнида инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимиз раҳбарининг: “Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, биринчи навбатда, етакчи соҳалар ривожига бевосита боғлиқдир. Қайси соҳада юқори қийматга эга маҳсулот яратилса, биз ана шу соҳани биринчи навбатда қўллаб-қувватлаймиз. Шунинг учун иқтисодиёт ривожига жиддий тўртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишимиз лозим”-деган сўзлари диққатга сазовордир.

Шу асосда, мамлакатимизда миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, аҳолининг даромади ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш устувор масалалардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини ошириш кўзда тутилган. Бу борада амалиётда жорий қилинаётган чоралардан кўриниб турибдики бугунги кунда кам харажат қилган ҳолда ушбу соҳада қисқа муддатларда даромадлар олиш мумкин.

Хизматлар иқтисодиётда ҳар доим муҳим ўрин тутган. Айрим хизматларнинг роли ишлаб чиқариш, тақсимот жараёнлари, айирбошлаш ва такрор ишлаб чиқариш тизимини узилишларсиз таъминловчи моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмол қилиш соҳалари билан боғлиқдир. Бошқа хизматлар эса ишчи кучининг ривожланишини таъминлаш, таълим ва маданий -технологик даражани ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва меҳнат қобилиятини ривожлантириш, хордиқ чиқаришни таъминлаш билан боғлиқ. Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ. Ҳар биримиз ҳар куни хизмат кўрсатиш таъсирида бўламиз. Биз уяли алоқа, интернет, савдо-кўнгилочар марказлар, умумовқатланиш, гўзаллик салонлари, консалтинг, тиббий ва ўқув марказлари хизматларидан фойдаланамиз, турли транспорт воситаларида сафар қиламиз ва юк ташиймиз. Бу барча хизмат турлари хизматлар соҳаси тушунчасини ташкил этади.

Хизматлар соҳаси – корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жамланма соҳа ҳисобланади. Бошқача айтганда, хизматлар соҳаси тижорат, касбий ва маиший хизматларни кўрсатишга ихтисослашган мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари ҳисобланади. Хизматларнинг истеъмолчиси сифатида кўпчилик унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунмайди, хизматлар тушунчасининг бир нечта таърифлари мавжуд:

- бу фойдали ҳаракатлар, иш ёки умуман олганда фаолият;
- бу сотиш мақсадида ишлаб чиқариладиган номоддий активлар;

-бу жараён ёки бир қатор ҳаракатлар, яъни бу ҳаракатлар қийматни яратиш воситаси бўлиши мумкин. Улар қиймат яратиши мумкин, лекин уларнинг ўзи мустақил қиймат ҳисобланмайди.

Хизматлар бу- истеъмолчиларнинг (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирадиган ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активларни айирбошлашда кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолияти натижасидир.

Иқтисодиётда хизматлар бозор ва нобозор хизматларга бўлинади. Бозор хизматлари олди-сотди объекти сифатида иқтисодий аҳамиятга эга нархларда (хизматлар ишлаб чиқарувчи харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплайдиган) реализация қилинадиган хизматлар ҳисобланади.

Нобозор хизматларга истеъмолчиларга иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда (бепул асосда) кўрсатиладиган хизматлар тааллуқли бўлади. Улар ижтимоий йўналтирилган бўлиб, ҳар қандай даражада бюджетдан ёки бюджетдан ташқари фондлардан, шунингдек, жамоат ташкилотлари фондлари маблағлари ҳисобидан тўланадиган хизматлардир. Бепул хизматлар, масалан, бепул таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, муҳофаза ва бошқа хизматларни ўз ичига олади.

Хизматлар соҳаси савдо ва транспорт соҳасидан тортиб молиялаштириш, суғурта ва бошқа турдаги воситачиликларни ўз ичига қамраб олади. Хизматлар соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида функционал вазифаси аҳолига хизматлар ва маънавий неъматларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлган тармоқлар, тармоқ бўғинлари ва фаолият турларининг мажмуасидир. Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёти даражасини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизматлар соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, ишчининг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги нооқилона харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада шинам ҳамда ёқимли қилади ва шу орқали Ўзбекистон аҳолисининг барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг ҳаётий

манфаатларини юзага чиқаради. Хизматларнинг иқтисодий табиати ва уларнинг тарқалиш соҳаларини тушунишдаги фарқлар сабабли замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасининг ўрни ва аҳамиятини баҳолашда кўпинча турлича фикрга эга бўлинади.

Хизматлар соҳаси- саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда иқтисодиётнинг учта асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши бўйича мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт даражасини баҳолаш мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг асосий қисми хизматлар соҳасига тўғри келади. Мисол учун, 2017 йилда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши АҚШда 78 % ни, европада 70 % дан ортиқни, Хитойда - 51,6 % ни ташкил қилган. МДХ давлатларида, масалан, Қозоғистонда бу кўрсаткич 54,2 %, Белорусда 48,0 % ни ташкил этган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2019 йил 1 январига нисбатан 47,3 % га тенг бўлди.

Шу билан бирга, хизматлар соҳаси иқтисодий ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ва банд бўлганларнинг асосий қисмини ташкил этади. Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши тараққий этган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида, масалан, Америка Қўшма Штатларида 80 фоизга, Буюк Британия, Канада, Францияда 70 фоиздан зиёд, Германия, Италия, Японияда 68 фоизга тенг бўлганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 49,7 % ни хизматлар соҳаси ташкил этади.

Замонавий шароитда хизматлар соҳаси бўш вақтни кўпайтиришга ёрдам беради, жамият ва одамларнинг эҳтиёжларини янада кўпроқ қондириш ва ошириш имкониятини яратади ҳамда замонавий ҳаёт сифатини шакллантиришнинг муҳим элементи сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг мустақил соҳасига айланиб бормоқда. Бу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра юзага келди: давлат молиялаштирилишининг камайиши, яъни мулк шаклини

ўзгартириш жараёнларининг таъсири ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида аҳоли ва ташкилотларга пуллик хизматлар кўрсатишнинг ошиб бориши, кўплаб янги хизмат турларининг пайдо бўлиши хизмат кўрсатиш корхоналари орасида рақобатнинг кучайиб боришидир.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устуворликларни босқичма-босқич амалга ошириш республикамызда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожланишни таъминламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кане М.М., Иванов Б.В., Корешков В.Н, Ширтладзе А.Г. Системы, методы и инструменты менеджмента качества: Учебник для вузов / Под ред. М.М. Кане. – СПб.: Питер, 2014 – 560 с
2. www.management.ru - Россия менежерлар ассоциацияси расмий портали
3. www.norma.uz - Ўзбекистон ахборот хуқуқий портал